

ОХИРГИ БЕШ йилда мазкур соҳага 10 триллион сўм ёки олдинги йилларга нисбатан 5 барабар кўп маблағ ажратилди



МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ!

milliy

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг ахборот-коммуникация тармаги



1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

www.mt.uz / milliytiklanish2022@gmail.uz

tiklanish

№ 5 (1154) 2022 йил
9 февраль, чоршанба



2021 йили турли сабаблар туфайли вафот этган 518 фуқаронинг жасади юртимизга олиб келинди...



ДУНЁНИНГ ҲАР ЕТТИНЧИ ФУҚАРОСИ МЕҲНАТ

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари «Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар. Маълумки, дунё давлатлари ўртасидаги интеграциялашув жараёнлари тезлашган, ишчи кучининг кўчиб юриши ҳам кенг тус олди. Қайд этилишича, бугун дунё бўйича 270 миллиондан ортиқ меҳнат мигрантлари бўлиб, агар ушбу

кўрсаткичга ички мигрантлар ҳам қўшиб ҳисобланса, жаҳоннинг ҳар еттинчи одами меҳнат мигранти экани маълум бўлади. Уларнинг 52 фоизини эркеклар, 48 фоизини эса аёллар ташкил қилмоқда. – Ташқи меҳнат миграцияси Сайловолди дастуримизда ҳам энг устувор масалалардан бири сифатида белгилаб олинган. Шу маънода, ушбу қонун лойиҳасининг мукамал тарзда қабул қилиниши биз учун жуда ҳам муҳим,

– дейди фракция раҳбари Алишер Қодиров. Кейинги йилларда юртимизда ташқи миграцияни тартибга солиш ва меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Гарчи, бу борада ўндан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, аммо ҳали ечимини кутаётган масалалар кўплигини тан олишимиз керак. (Давоми 2 бетда)



2 СТРАТЕГИК ҲУЖЖАТ
СТРАТЕГИК
ЕНДАШУВНИ ҲАМ
ТАЛАБ ЭТАДИ

5 МИЛЛАТ УЧУН ТҮЙ
2008 йили Европада бошланиб, бутун дунёга тарқаган ва жаҳон иқтисодиётини фалажлантирган молиявий-иқтисодий инқирозга асринг энг буюк йўқотиши, дея таъриф берилган эди.

3 НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН
ШАХСЛАРНИНГ
МУАММОЛАРИ ТИЗИМЛИ
ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Эндиликда ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча муаммолари тегишли идоралар билан биргаликда ҳал этилиши, уларнинг барчамиз каби яшаши, таълим олиши, ишлаши, жамиятда ўз ўрнини топиши масалалари ортиқча муаммо бўлмайди.



24 ЁШДА БОШ ПРОКУРОР
ЁРДАМЧИСИ



**ТЕНГЛИК
ТАМОЙИЛИ**
ТЕНГСИЗЛИККА
ХИЗМАТ ҚИЛМАСИН!

Статистикага эътибор қаратайлик: ўтган йилнинг 11 ойида 35 минг аёлга ҳимоя ордери берилибди. Бу ўзида журъат топиб, тегишли ташкилотларга мурожаат қилган аёллардир.



ЭЛДОР ШОМУРОДОВ



«Президент қарорининг мазмун-моҳияти шундаки, у musiқа фанини ривожлантириш орқали юртдошларимизнинг musiқий саводхонлигини кучайтиришга қаратилгандир».

4



ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР ҚЎЙИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 февралда куни ҳудудларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Барча ижтимоий дастурларда бу масалага алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Охириги беш йилда мазкур соҳага 10 триллион сўм ёки олдинги йилларга нисбатан 5 баравар кўп маблағ ажратилди. Бу даврда 6 миллион 500 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди.

Жумладан, ўтган йили 474 та сув иншооти курилиб, 6 минг 300 километрга яқин тармоқлар тортилган. 592 та маҳаллада 2 миллиондан зиёд аҳолининг сув таъминоти яхшиланди.

Лекин ҳали бу масалада кийналаган маҳаллалар кўп. Жумладан, Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида ичимлик суви таъминоти 60 фоиздан кам. Фузор, Дехқонobod, Косон, Шеробод, Ангор, Ғаллаорол ва Хатирчи туманларида бу кўрсаткич 30 фоизга ҳам етмайди.

Шу боис, келгуси беш йилда бу соҳага 40 триллион сўм инвестиция жалб қилиб, ичимлик суви таъминотини 90 фоиз, оқова сув қамровини 35 фоизга етказиш режалаштирилган. Жорий йилда бу мақсадлар учун бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади, 245 миллион доллар жалб этилади.

Давлатимиз раҳбари асосий эътибор сув таъминоти ва сифати паст ҳудудларга қаратилишини таъкидлади.

Хусусан, 1 минг 545 та маҳаллада марказлашган сув тармоғи йўқ. Мутасаддиларга улардаги имкониятларни ўрганиб, уч хил йўналишда ишни ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди. Аввало, инфратузилмага яқин маҳаллаларга марказлашган тармоқ тортилади. Иккинчидан, ерости суви яқин ва тоза бўлган жойларда қудуқ қазилиб, сув иншооти курилади. Учинчи йўналишга кўра, қудуқ қазииш ва қувур тортиш имкони бўлмаган қишлоқларда катта сигимли ҳовуз барпо этилиб, сув ташиб келтирилади.

Бу ишларга хусусий секторни жалб қилиш чоралари ҳам белгиланди. Қайд этилганидек, сув иншоотлари куриш, махсус транспорт ва ускуналар харид қилиш учун кредит фоизининг 14 фоизидан юқори қисмига субсидия берилди. Импорт қилинадиган ускуналар ва техникаларга божхона божлари бекор қилинади. Хусусий сектор иштирокидаги сув таъминоти корхоналарига фойда, ер, мулк ва ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз



NATIJADORLIK - HMMAMIMIZ UCHUN BOSHA TALAB, ASOSTY MEZON BO'LIISHI ZARUR.
SHAVKAT MIRZIYOYEV

бўлади. Маҳаллаларда хусусий сув таъминоти хизматлари учун тўловлар миқдори маҳаллий Кенгашлар билан келишилган ҳолда белгиланади.

Шулардан келиб чиқиб, ижтимоий буюртма ва хусусий шерикларни танлаш ҳамда молиялаштириш тартибини соддалаштириш бўйича топширик берилди.

Ичимлик суви таъминоти кўрсаткичи республика бўйича энг паст – 43 фоиз бўлган Қашқадарё вилояти бўйича алоҳида дастур қабул қилиш вазифаси қўйилди.

Келгуси икки йилда 2 мингта боғча, мактаб ва тиббиёт муассасаларини ичимлик суви билан таъминлаш зарурлиги таъкидланиб, бунинг молиявий манбалари белгиланди.

Маълумки, бу соҳадаги лойиҳалар, асосан, «Узсувтаъминот» акциядорлик жамиятининг инжиниринг компаниялари томонидан ишлаб чиқилади. Энди бундай ишларни жадаллаштириш учун жамиятнинг ҳудудлардаги инжиниринг компаниялари вилоят ҳокимликлари тасарруфига ўтказилди. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, пудратчиларни аниқлаш ва молиялаштиришни очиш ҳам вилоятнинг ўзидadır. Уй-жой компаниялари ҳизмат кўрсатиш вазирлиги ва «Узсувтаъминот» акциядорлик жамияти лойиҳаларга техник талабларни белгилайди, экспертизадан ўтказиши ҳамда эксплуатациясига масъул бўлади.

Ийғилишда дарёлар ва ерости сувларини асраш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда 8 мингта сув қудуғидан 1 минг 500 таси яроқсиз ҳолатда келган. Оқибатда қарийб 800 та маҳалладаги 2 миллион аҳолининг

сув таъминоти ёмонлашган. Зомин, Нурота ва Қўшрабoт конларида қудуқлар қазииш, Зарафшон ва Чирчиқ дарёлари ўзанидан қум-шағал олиш назоратсиз, пала-партиш бўлгани сабабли бу ҳудудларда ерости чуқук сувлари захиралари 30 метргача пасайган.

Шу боис, бундан буён сув қудуқларини аниқлаш ва бургилаш ишлари фақат Давлат геология кўмитаси томонидан амалга оширилиши белгиланди. Мутасадди идораларга қудуқларни хатловдан ўтказиш, дарё бўйларини қаттиқ тартибга олиш бўйича кўрсатма берилди.

Туманларда эксплуатация тизimini яхшилаш ҳам долзарб масала. Кўп туманларда бунинг учун зарур бирорта техника йўқ.

Шу боис, туман сув таъминоти ташкилотларининг имкониятини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Унга кўра, бу соҳада пуллиқ хизмат турларини белгилаш ваколати ва улар бўйича тушумлар тўлиқ туман сув таъминоти ташкилотларига ўтказилади. Ичимлик суви тармоқларини таъмирлаш, авария ҳолатларини бартараф этиш ҳамда махсус техника хариди учун туман ва шаҳар бюджетларидан маҳаллий «Сувтаъминот» корхонасига маблағ ажратилиши тизими жорий этилади.

Бухоро, Жиззах, Гулистон, Ширин, Янгиер каби 28 та йирик ва ўрта шаҳарда канализация тармоғи қамровини кенгайтириш бўйича ҳам топшириқлар берилди. «Янги Ўзбекистон» массивларида локал оқова-тозалаш иншоотларини куриш зарурилиги айтилди.

Ийғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа мутасаддилари, ҳокимлар сўзга чиқди.



ДУНЁНИНГ ҲАР ЕТТИНЧИ ФУҚАРОСИ МЕХНАТ МИГРАНТИ

Таъкидланганидек, янги қонун ташқи меҳнат миграциясини ўнлаб қонуности ҳужжатлари билан эмас, алоҳида қонун билан тартибга солишни назарда тутди. Шу ўринда халқаро ҳужжатлардаги айрим қондилар ҳам миллий қонунимизга мувофиқлаштирилаётганини айтиш жоиз. Бунда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари билан бирга фуқароларни уюшган ҳолда ишга жойлаштириш ҳамда чет элликларнинг Ўзбекистонда меҳнат қилишлари учун ҳуқуқий механизмлар ҳам белгиланмоқда.

– Ушбу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракциямиз томонидан билдирилган аксарият таклифлар инобатга олинди, – деди фракция аъзоси Шерзод Қулматов. – Жумладан, ушбу қонун нормалари татбиқ этилмайдиганлар рўйхати кенгайтирилди. Мономарказлар томонидан берилаятган халқаро сертификатлар, ташқи ишлар вазирлигининг миграция билан боғлиқ айрим ваколати тегишли идорага қайтарилиши билан боғлиқ таклифлар шулар жумласидандир.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда ташқи меҳнат миграцияси географияси кенгаймоқда. Бугун 25 та давлат иш берувчилари билан 400 га яқин ҳамкорлик шартномалари имзоланган.

Бунда хорижда ишлаш истайдиган фуқароларни касб-хўнарга ўқитиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2021 йилнинг 10 ойи-

да 45,2 минг киши касб-хўнарга ва чет тилларини ўрганишга жалб қилинди. Ўтган йили 314,1 мингдан ортиқ меҳнат мигрантига ҳуқуқий, моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг 984,1 минг АҚШ доллари миқдоридоги иш ҳақлари ундириб берилди. Бошланасиз қолган 358 меҳнат мигранти вақтинча яшаш жойлари билан таъминланди. Оғир вазиятга тушиб қолган 321 киши Ўзбекистонга қайтарилган бўлса, турли сабаблар билан вафот этган 518 фуқаронинг жасади ватанга олиб келинди.

Ийғилишда «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Қайд этилишича, ушбу қонун лойиҳаси билан кодекснинг 175-моддасидан дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш ҳамда корхоналарнинг ҳисобварақларида тегишли маблағлар бўлган ҳолда тўловларни амалга оширишининг белгиланган муддатларини бузиш учун белгиланган маъмурий жавобгарлик масаласи чиқариб ташланмоқда.

Депутатлар ушбу лойиҳанинг қабул қилиниши юртимизда тадбиркорликнинг янада ривожланиши, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг эса тартибга солинишини эътиборга олиб, биринчи ўқишда маъқуллади.

Ийғилишда бошқа қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилиниб, улар бўйича ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

СТРАТЕГИК ҲУЖЖАТ

СТРАТЕГИК ҲУЖЖАТ «БЎЛАШУВНИ»

ҲАМ ТАЛАБ ЭТАДИ



Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, курилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Тадқиқотлар ривожланган давлатлар муваффақияти асосан ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштирилган ҳамда очиқ иқтисодийнинг яратилиши билан ҳамбарчас боғлиқлигини кўрсатмоқда. Жумладан, «Жаҳоннинг энг кучли мамлакатлари» рейтингига ҳам у ёки бу давлатнинг глобал иқтисодийтадаги иштирокига оид кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида ҳам кучли, барқарор ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш устувор вазифалардан бири сифатида танлаб олинган эди. Албатта, иқтисодий муносабатларда ҳар доим индивидуал ёндашув таъминлашига эришиш лозим. Партия мамлакатда ўрта қатлам вакилларининг кўпайиши тарафдори бўлиб, ушбу тоифага кирувчи кишилар ўртасида қаноат ва шукроналик, бой қатламда эса масъулият ва маънавий қадриятлар ҳамда олийжаноблик ҳислатларини оширишни тарғиб этади.

Шунингдек, партиямиз давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини кескин қисқартириш ҳамда хусусий мулкни ҳимоя қилишни қучайтиришга қаратилган ислохотларни жадаллаштиришда фаол иштирок этмоқда. Тадбиркорлик тузилмалар фаолиятга ноқонуний аралашувга қатъий чек қўйишни таъминлаш ҳам устувор мақсадларимиздандир.

Маълумки, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва уни мунтазам ривожлантириш миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминловчи муҳим омил саналади. Зеро, барқарор иқтисодиётга ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкони-

ни беради.

Халқимиз билан бамаслаҳат қабул қилинган Тараққиёт стратегиясида ҳам асосий эътибор халқ фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш, камбағалликни қисқартириш учун миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш масалаларига қаратилгани бежиз эмас.

Маълумки, кейинги йилларда иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини изчил давом эттирган ҳолда, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробар ошириш режалаштирилди. Ҳўш, бундан натижага қандай қилиб эришиш мумкин?

Албатта, бундай кўрсаткичларга осонликча эришиб бўлмайди. Бунинг учун энг аввало, саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш, бошланган трансформация жараёнларини муваффақиятли яқунлаш, энергетика соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, «Хомашёдан тайёр маҳсулотгача» бўлган кўп поғонали қўшилган қиймат занжирларини яратиш, ме-

таллургия соҳасида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, кимё ва газ-кимёси, тўқимачилик, чарм-пойабзал, автомобил ва бошқа саноат соҳаларини янада ривожлантириш орқалигина эришиш мумкин.

Муҳим ҳужжатда тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш, экспорт ҳажмини 5 миллиард АҚШ долларига етказиш ҳам белгиланганки, бунинг натижасида 570 минг нафар янги иш ўринлари яратилади. Электротехника саноатида юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баравар ва экспортини 3 бараварга ошириш орқали эса 2022-2026 йилларда 700 миллион АҚШ долларлик 168 та инвестициявий лойиҳалар амалга оширилади.

Шунингдек, энергия ресурслари ва табиий газ бозорларини ижтимоий ҳимоя кафолатлари белгиланган ҳолда эркинлаштириб, соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳамда эҳтиёжманд аҳолини ҳимоя қилиш учун ижтимоий истеъмол нормалари киритилади. Бу яна бир қарра инсон қадрини ва уни улуғлаш мазкур стратегиянинг тўб моҳияти ва пировард мақсадини ташкил этишини аналтади.

Яна бир муҳим жиҳат: Тараққиёт

стратегиясида иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, 2022 йилда йиллик инфляция даражасини 9 фоизгача ва 2023 йилда 5 фоиз ҳамда фиксал таъчилликни 3 фоизгача пасайтириш чоралари кўрилиши белгиланган.

2023 йилдан бошлаб эса қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизгача ҳамда банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида фойда солиғи ставкасини 15 фоизгача тушириш кўзда тутилган. Бундай чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, шубҳасиз, аҳоли турмуш даражасининг ошиши учун мустаҳкам замин яратади.

Хулоса ўрнида эса шуни таъкидлаш жоизки, Тараққиёт стратегиясида ўз аксини топган эзгу мақсадларни амалга ошириш барчамиздан бир ёқадан бош чиқариш ва ҳар қандай ишга масъулият, чинакам фидойилик билан ёндашишни талаб этади. Фақат шу йўл билангина аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш, халқимизнинг фаровонлигини янада оширишдек эзгу мақсадларимизга эришишимиз мумкин.



Феруза МУХАММАДЖАНОВА, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раисининг ўринбосари

ТЕНГЛИК ТАМОЙИЛИ

ТЕНГСИЗЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛМАСИН!

Яқиндагина сиёсат майдонида хотин-қизлар учун квота жорий этиш лозимлиги ҳақида бонг ургандик. Орадан кўп ўтмай ниятимизга эришдик – квота жорий этилди?! Хўш нима ўзгарди?! Тўғри, бу борада сонда етакчимиз. Аммо бу ҳали сиёсий фаолликда сифат кўрсаткичи етарли даражага чиқди, дегани эмас!

Бугун қабул қилинаётган қонунларда аёл депутатларнинг улуши қанча? Қонун ижодкорлиги жараёнларида уларнинг иштироки қай даражада? Қай бир аёл депутати қонун ташаббускори бўлди? Шу каби саволлар соҳада фаолият юритаётган ёки энди кириб келаётган олинганларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда таълимий дастурларни яратиш борасида ҳали талайгина ишлар бажарилиши лозимлигини англатади. Яна бир ҳақиқат борки, демократиянинг сифат кўрсаткичи борасида бундай камчиликлар фақат Ўзбекистондагина эмас, бошқа давлатларга, ҳатто, Америкадек ривожланган давлатга ҳам хосдир. Акс ҳолда шу пайтгача мамлакатни бошқарган 50 нафар президентнинг лоқал биттаси аёл бўлиши мумкин эди!

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга оид қонун қабул қилдик. Бу борада махсус тузилмалар фаолиятини ҳаминқадар йўлга қўйдик. Зўравонлик қамайдими? Йўқ! Статистикага эътибор қаратайлик: ўтган йилнинг 11 ойида 35 минг аёлга ҳимоя ордери берилибди. Бу ўзида журъат топиб, тегишли ташкилотларга мурожаат қилган аёллардир. Оиласидаги сирини кўчага олиб чиқиши ўзига ор деб билиб, ўз ёғига қовурилиб юрган опа-сингилларимиз қанча?! Қонунларимизда ҳам маиший зўравонликлар борасида муаммо бор! Амалда ҳам шунга яраша, яъни айрим жиноятлар жазосиз қолмоқда...

Яқинда Тошкент ҳайвонот боғида рўй берган кўнгилсиз воқеа бунга мисол бўлиши мумкин. Оилани жар ёқасига олиб келган масъулиятсиз оила бошлиги эса тинчгина яшайпти. Руҳий хаста бўлган она эса ҳибсда! Ана энди ўзимизга бир савол берайлик:

Ўз фарзандини йиртқичга ем қилмоқчи бўлган аёл ақлан соғлом бўлиши мумкинми?

Кўпчилигимиз эса онаси ажал домига улоқтирган, бахтли тасодиф туфайлигина омон қолган қизчага зиён етказмаган ЗУЗУ лақабли айиқ билан расмга тушиш илнжида юрибмиз...

Ачинарлиси, бугунга келиб, ўз фарзандининг қотилига айланаётган аёллар саногидан адашиб қоляпмиз. АҚШдаги руҳшунослар тадқиқотида кўра, ҳар тўртинчи аёлнинг ҳаёлидан бир марта бўлса ҳам ўз боласини ўлдириш фикри ўтар экан. Бу она бўлишга, оила қуришга тайёр бўлмаган жами хотин-қизларнинг фожиаси, десак хато бўлмас...

Россиянинг Кубан давлат университетида олиб борилган тадқиқотлар ўз фарзан-



«Хўрозқанд чет элники деса...» қабилида яшаш ва фикрлаш тарзи оломонлашув «маданияти»нинг таъсири эмасми, аслида?!

дини ўлдирган аёлларнинг 74 фоизи ҳеч бир психоневрологик диспансерда рўйхатга олинмаганини, уларнинг тенг ярми фертил ёшида ва руҳий зуриқиш ҳолатида бўлган аёллар эканини кўрсатади.

Юқоридагидек кўнгилсиз ҳолатлар бизда ҳам хотин-қизларнинг муаммолари масаласида жиддий ўрганишлар, илмий тадқиқотлар олиб бориш шартлигини кўрсатмоқда. Бу борада муҳим ва аниқ таҳлилий манбалар «тилга кириши» – далиллар, мисоллар очикланиши керак. Чунки ҳар қандай вазиятда аёлни айбдор қилишга ўрганган жамият, аввало, ҳатто ҳайвон ҳам ўз боласига раво кўрмайдиган мудҳиш қарор қабул қилинишининг сабабини ўрганиши ва улардан тегишли хулосалар чиқариши зарур.

Оила қуриш бўсағасида турган ёшлар билан тизимли

ишлаш, фарзанд тарбияси билан боғлиқ кўникмаларни шакллантириш мақсадида тақлиф этилган, афсуски, ҳалигача қоғоздан ҳаётга кўчмаётган «Еш оила инновацион мактаблари» амалда ишлатиш чораларини ҳам кучайтириш зарур, деб ўйлаймиз. Акс ҳолда, бундай кўнгилсиз воқеалар яна такрорланмаслигига ким кафолат беради?

Куни кеча Президентимиз томонидан Социология институтини ташкил этиш гоёси илгари сурилди. Умид қиламизки, галдаги вазифа – Психология университетини ташкил этиш бўлади. Токи, маҳаллаларда аҳолини ижтимоий-иқтисодий, тиббий, маънавий қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш баробарида ҳар бир хонадонга малякали психологик маслаҳат ва мадад етиб боришини таъминлашга эришайлик. Зеро,

буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Аёл ва эркакнинг тенглиги ҳақида ҳам қонун қабул қилдик. Жинслар ўртасида мувозанат пайдо бўлди? Айрим ота-оналар ҳали ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини таллашиш билан овора. Икки ўртада эса болалар жабрланыпти. Маълумотларга қараганда, 2021 йилда аёлларнинг алимент олиш билан боғлиқ мурожаатларининг 79,2 фоизида амалий натижа бўлмаган. Тўлиқ бўлмаган айрим оилалар учун алимент ягона даромад манбаи эканини инобатга олсак, нураб бораётган оилаларни асраб қолишга қаратилган кўшимча чораларга эҳтиёж борлиги маълум бўлади. Бу борада партияимиз томонидан илгари сурилётган, ривожланган давлатларда аллақачон амалиётга таъбиқ этилган Алимент фондини ташкил этиш гоёси муаммога

ижобий ечим бўлиши мумкин.

Ижтимоий кўмакка муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Аёллар дафтар»ини жорий этдик. Афсуски, рўйхатга киритилганлар орасида ушбу эзгу ташаббусни ўзларига нисбатан камситиш сифатида қабул қилганлар ҳам учрамоқда. Шунингдек, аёлларни «заифа» деб аташларини ҳақорат сифатида қабул қилаётганлар ҳам чиқяпти. Ваҳоланки, миллий кадриятларимизга мос равишда аёлларни «заифа» деб аташ орқали уларнинг нозик ҳилқат эканлигини таъкидлаш, муҳофазасига эътибор қаратиб, уларга меҳрмуруват кўрсатишга ургу берилаётганини тушуниш қийин эмаску! Қотиб қолган стереотиплар билан ҳаётбахш анъана ва кадриятларимиз ўртасидаги фарқни аниқ белгилаш фурсати етди, назаримда! «Хўрозқанд чет элники деса...» қабилида яшаш ва фикрлаш тарзи оломонлашув «маданияти»нинг таъсири эмасми, аслида?! Маълумки, гендер тенгликни таъминлашда умумэтироф этилган мажбурий қондалар мавжуд. Лекин ҳар бир давлат тенгликни таъминлашда ўз кадриятларига суяниши ва мазкур йўналишда ўз миллий андозасини яратиши керак.

Яна бир руҳшунос синглизми, оилага эркаклар керак эмас, деган иддао билан чиқди. Отаими, акаими, укаими, жондан ази эълимиз ҳам эркак! Қолаверса, аксарият эркакларимиз оилапарвар. Айрим масъулиятсиз эркакларни деб улардан ҳам воз кечамизми?

Хотин-қизлар орасида тобора кучайтирилаётган бун-

дай «эркин тарғибот» бир пайтнинг ўзида ҳам аёл, ҳам эркак манфаатларига зид эмасми? Жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган руҳшунос Нарғиза Сатторованинг битта саволи мени ўйлантириб қўйди. Яъни, аёлларнинг эркаксиз яшаш ҳам мумкин, деган хулосага келишларининг сабаби нимада? Бугун бир-икки сўм пул топиб, машина ҳайдаб, «эркакдан кам жойим йўқ, керак бўлса, ундан ҳам кўпроқ пул топаман», деб юрган, оила, оилавий муносабатлар, оилада эркак ва аёлнинг масъулияти ҳақида унутиб қўяётган айрим опа-сингилларимизнинг бундай ноҳужа ҳаракатларида, албатта, эркакларимизнинг ҳам айби бор! Бундай иллатларнинг илдири, энг аввало, оилага бориб тақалади, қизимиз билан бирга ўғилларимизни ҳам тўғри тарбия қилишимиз лозимлигини кўрсатади.

Гендер тенглик ҳақида гап кетганда, динни рўқча қилманг, деб эътироз билдиришибди айримлар. «Миллий тикланиш» партияси аёлнинг кадрини айрим ўринларда ҳатто эркаклардан ҳам устун деб белгиланган Исломи дини мақсадларини жамиятга тўғри етказилишидан манфаатдор бўлган сиёсий қуддир. Муқаддас динимизда аёл ва эркак ўртасидаги муносабатда биз учун энг яхши мувозанат белгилаб берилган. Динимизда ҳам, менталитетимизда ҳам қизлар ўқитилмасин, деган кўрсатма йўқ. Демак, ҳеч иккиланмасдан айтишимиз мумкинки, миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғун бўлган жамият фаровонликка юз тутайди.

Хулоса ўрнида: бугун ғарбда эркаклар ва хотин-қизлар тенгдирлар, дея эркак ва аёллар учун мўлжалланган алоҳида ҳолатхоналар бузилаётган экан. Гендер нейтрал ҳолатхоналарда барча жинс вакиллари битта хонага кириб эҳтиёжини қондирашми. Тасаввур қилмасизми?! Деворсиз, пардасиз жамият ҳали очик жамият дегани эмас-ку! Бу ҳам тенгликни иддао қилаётганларнинг иши эмасми?! Бундай ғаразли мақсадларга алданиб, ўз илдиришимизга ўзимиз болта урмайлик!
Эркак аёлсиз, аёл эркаксиз заиф! Ҳаттоки, жамият ва давлат заиф! Тенглик эса бирликда, ҳамкорликда. Заифлик, тенгсизлик бир-бирини тушунмасликдан пайдо бўлади, назаримда. Эзгулик йўлида бир тан-у бир экон бўлган жуфтликларнинг эса тенглик, тенгсизлик каби тушунчалар билан ишй йўқ. Чунки улар бир-бирлари билан бахтли! Ёлғизлик эса фақат Яратгангаи хосдир!

Эътибор

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммолари тизимли ҳал этилади



Айни вақтда республика бўйлаб ногоиронлиги бўлган шахсларни хатловдан ўтказиш ишлари давом этмоқда.

Эндиликда ногоиронлиги бўлган шахсларнинг барча муаммолари тегишли идоралар билан биргаликда ҳал этилиши, уларнинг барчамиз каби яшаш, таълим олиши, ишлаши, жамиятда ўз ўрнини топиши масалалари ортиқча муаммо бўлмайди.

Хатлов натижаларига кўра, амбулатор ва стационар шароитда даволаниш, реабилитация марказларида тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация чораларини олиш, даволанишга, реабилитация қилишнинг техник воситалари ва протез-ортопедия мосламаларига муҳтожлар, йирик бўғимларни эндопротезлаш, қон томирларни стентлаш, эшитишда нуқсонли борларни кохлеар имплантациялаш, ички аъзоларини (буйрак, жигар) трансплантация қилишга муҳтож ногоиронлиги бўлган шахсларнинг рўйхати шакллантирилмоқда.

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Баҳодир Каримов иштирокида АОКАда ноги-

ронлиги бўлган шахсларни хатловдан ўтказиш бўйича қилинаётган ишлар юзасидан ўтказилган брифингда таъкидланишича, ногоиронлиги бўлган шахсларни хатловдан ўтказиш жараёнида уларнинг яшаш шароити ва моддий таъминотида алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу масалаларга асосан келгусида амалий ёрдам кўрсатиш чораларини ишлаб чиқиш мақсадида улар учта («яхши - яшил», «ўрта - сариқ» ва «қоникарсиз - қизил») тоифага ажратиб олинмоқда.

Яна бир муҳим масала, ижарада яшайётган ва уй-жойга муҳтож ногоиронлиги бўлган шахслар аниқланиб, уларнинг манзилли рўйхати ҳам шакллантирилди.

Ўз навбатида хатлов ишлари жорий йилнинг 15 февраль кунига қадар тўлиқ якунланиб, аниқланган ҳар бир муаммо ва масалалар бўйича Идораларо кенгашининг тегишли «чоратадбирлар» дастури қабул қилинади.

Моҳигул ҚОСИМОВА

Кутинг!

Респондентларнинг

51,2%

фоиизи ажрим улар ҳаётини янада мураккаблаштирганини тан олди

Келгуси сонларда

Бўни маданият ва санъат оламидаги

ИЖТИЛОБ

ДЕБ
АТАЙЛИК

Я

Янги Ўзбекистонда маданият ва санъат соҳаси ҳам туб ислохотлар даврини бошдан кечирмоқда. Президентимизнинг «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ана шу жараёнларнинг фаол иштирокчиларини тарбиялаш, ёшлар қалбини мусиқа ва санъат орқали бойитиш, уларни том маънода баркамол инсонлар этиб тарбиялашга кенг йўл очиб беришга хизмат қилади дейиш мумкин. Мазкур қарор ижросини таъминлашда биринчи бўлиб нималарга эътибор қаратилиши керак, тарихий қарор дея эътироф этилаётган ушбу ҳужжат маданият ва санъатимизга нима беради, Маданият вазирлиги ва бошқа мутасаддилар Президент қарорининг самарали ижросини таъминлашга тайёрми? Маданият вазири Озодбек Назарбековнинг таниқли олима, мусиқашунос Ирода Дадажонова билан мулоқотида айнан ана шу саволларга жавоб қайтарилди.

— Одамзот ҳатто ибтидоий замонларда ҳам ғорлар туйнугидан ташқарига қараб, табиат маҳсули бўлган жонли ва жонсиз нарсаларни англашга уринган, дарахтлар барги ва шохларининг шамол таъсиридаги майин шивирлашларидан эса ҳайратланган... Ва, алал-оқибат, одам боласининг санойи нафисага мойиллиги сабаб мусиқий чолғулар юзага келган. Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда эса одамзотнинг ўз қўшиқларига жўрнавот сифатида ясаган бу созлари билан «энг нафис, энг муҳим, энг руҳлиқ бир санъат» яралган.

Хоразм, Афросиёб, Холчаён, Термиз, Варахша, Далварзинтепа ва бошқа тарихий қадамжоларда олиб борилган археологик қазилмалар, хусусан, мусиқий чолғулар қолдиқлари, девор ва қоялару, сопол буюмларга туширилган хонанда ва созандалар суратлари ҳам ажодларимизнинг юксак маданият эгалари бўлганидан дарак беради.

Узоққа бормайлик, жаҳон цивилизацияларида, жумладан, она заманимизда бўй кўрсатган биринчи ва иккинчи Ренессанс даврларида маданият ва санъатнинг ўрни ниҳоятда сезиларли бўлганини бутун жаҳон аҳли тан оляпти. Умумжаҳон тамаддунининг тамал тошини қўйган ажодларимиз хоҳ адабиёт, хоҳ астрономия, тиббиёт, математика, геометрия, тарих, меъморчилик, наққошлик, қўйинги, қайси соҳа билан шугулланмасинлар, ҳеч бўлмаसा битта созни моҳирона чала олганлар, ёхуд мусиқа илмидан бохабар бўлганлар.

— Ренессанслар ҳақида гапирдингиз. Ушбу қарорнинг юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдаги ўрни қанчалик муҳим, деб ҳисоблайсиз?

— Энг аввало, Президент қарорининг тарихий ҳужжат экани ва ўз вақтида қабул қилингани айтишимиз керак. Иккинчидан, ушбу қарор айнан Учинчи Ренессанс пойдеворини тиклаш учун дастуриламал вазифасини ўташини таъкидлаш жоиз. Чунки унда бугунги маданият ва санъатимизни ривожлантириш ҳамда оммалаштириш борасидаги муаммоларни тизимли ҳал этиш, ёшларнинг бадий-эстетик дидини тарбиялаш, улар қалбида ижодкорлик, бунёдкорлик, эзгуликка ҳайрихоҳлик туйғуларини пайдо қилиш учун қандай

ишлар амалга оширилиши белгилаб берилди.

Шу асосда мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларида ҳам фуқароларга маданий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш, театр, цирк ва бошқа турдаги оммавий-маданий ҳамда концерт-томоша тadbирларини тизимли равишда йўлга қўйиш, ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини миллий чолғулар, мусиқа дарсликлари, ноталар тўплами ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашнинг яхлит тизимини яратиш вазифалари муддатларигача белгилаб қўйилди.

— Кейинги беш йилда Президентимизнинг соҳа тараққиётига қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Халқро мақом санъати анжумани, Халқро бахшичилик санъати фестивалининг анъанавий тарзда ташкил этилиши ҳам соҳа ривожига хизмат қилмоқда. Аммо шунга қарамай, ўзбек маданияти ва санъати тарғиботини кучайтириш Янги Ўзбекистон имижини яратишда ниҳоятда муҳим экани ҳеч кимга сир эмас.

— Чиндан ҳам миллий маданият ва санъатимиз тарғиботи масаласида жуда катта камчиликларимиз бор. Тўғри, Президентимиз саъй-ҳаракати билан ташкил этилган «Бешта муҳим ташаббус» бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Унинг доирасида болалар мусиқа ва санъат мактаблари замон андозалари асосида таъмирланиб, мусиқа асбоб-ускуналари билан таъминланмоқда. Уларда турли тўғарақлар ташкил этилаётгани ажодларимиздан авлодларга ўтиб келаётган ноёб санъат намуналарини янада чуқурроқ ўрганиш, кенг тарғиб этиш, айниқса, ёшлар қалбида санъатга меҳр уйғотишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги қарорда эса 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг мусиқий билим ҳамда кўникмаларини ошириш, улар қалбида миллий маданиятга бўлган муҳаббатни шакллантириш, ёш истеъодларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш долзарб вазифалар сирасига киритилди.

Шунингдек, бундан буён мактаб ўқувчиларига миллий мусиқа чолғуларидан камида бир донасини ўзлаштириш

ҳамда бу уларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларида (шаҳодатнома) қайд этилиши жорий қилинадиган бўлди. Қарорга кўра, мусиқа фани учун ҳафтасига белгиланган бир ўқув соати ҳамда унга қўшимча равишда ҳар ҳафта амалий тўғарақлар ва факультатив дарслари ўтилиши ҳам белгиланди. Бундан ташқари, «Ҳаётимга

ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади. Бу қайси йўналишда таҳсил олиши ёнги фаолият олиб боришидан қатъий назар кишининг ўз соҳасига креатив ёндашув салоҳиятини шакллантиради. Яна бир асосий жиҳат, лекторий концерт ва мусиқа дарслари орқали мусиқий саводи бор зийрак томошабин, муҳлис шаклланади.

созини такомиллаштиришда чуқур илмий изланишлар олиб борган.

Тиб илмининг султони Абу Али ибн Синонинг «Китоб уш-шифо», «Донишнома», «Китоб ун-нажот» асарларидаги махсус бўлимлар, «Рисолатун фи-илмил-мусиқий» («Мусиқа илми ҳақида рисола») китоби ҳам жаҳон санъати фани тарихида алоҳида ўрин тутди.

ҳаракатда.

Бир нарсани тўғри тушунишимиз керакки, мусиқани тушунган, бирор созни чала оладиган инсонларни тарбиялаш уларнинг ҳаммасини ҳам келгусида шу соҳага йўналтириш дегани эмас. Мусиқа уларнинг таъби, талаби, дунёқарашини тарбиялайди, бу энг катта ютуғимиздир аслида.

— Қарор билан 2022 йилда республика миқёсида ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тadbирларининг йиллик календарь режаси ҳам тасдиқланди.

— Айтганингиздек, қарор билан жорий йил мамлакатимизда ўтказиладиган халқро ва республика миқёсидаги фестиваллар, Маданият вазирлиги томонидан «Маданият карвони» шаклида ҳудудларда уюштирилаётган концерт-томоша тadbирлари, Ўзбекистон давлат филармонияси таркибидаги бадий жамоалар томонидан ўтказиладиган концерт-томоша тadbирлари жадвалига ҳам аниқлик киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон миллий ва давлат симфоник оркестрлари, Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли, давлат театрлари ва «Ўзбек давлат цирки» давлат муассасаси ижодий (бадий) жамоаларининг худудларга гастроль сафарлари, республика миқёсида касб байрамларини нишонлаш муносабати билан ташкил этиладиган концерт-томоша тadbирлари жадвали тасдиқланди. Бу эндиликда санъаткорлар йил давомида қандай тadbирларда иштирок этишини аввалдан билади, ўз иш режаларини шунга мувофиқ туза олиши маълум бўлди, деганидир.

— Албатта, катта миқёсда ўтказиладиган оммавий тadbирларнинг ўзига яраша харажатлари бор. Ушбу масала қандай ҳал қилинади?

— Қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун уларнинг молиявий манбалари ҳам аниқ белгилаб қўйилди. Хусусан, «Маданият карвони» учун мўлжалланган, тегишли мусиқа техникаси ва сахнага эга 2 дона махсус автотранспорт воситасини харид қилиш учун Маданият вазирлигига 20 миллиард сўм ажратиладиган бўлди.

“ Қарорнинг асл моҳияти ҳақида гап кетганда ўғил-қизларимизга бирор чолғу асбобини чалишни ўргатиш, умуман, мусиқага ошно этиш борасидаги ишлар уларни маънан улғайтиришга, қалбларига эзгулик уруғлари экишга қаратилганини таъкидлаш жоиз. Ёшларнинг мусиқа ижрочилигига доир билим ҳамда салоҳиятини юксалтиришдан кўзланган бундай ислохотлар замирида эса шубҳасиз, чуқур ўйланган мақсад ётибди.

ҳамроҳдир чолғу» шиори остида чолғу ижрочилиги дарс машғулоти йўлга қўйилди. Мактаблар ноталар тўпламлари ва махсус мусиқий адабиётлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар билан ҳам таъминланди.

Шунингдек, камида 3 та миллий чолғу ижрочилик кўникмасига эга бўлган профессионал мутахассисларнинг асосий иш жойидан бўш вақтида у ердаги меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини сақлаб қолган ҳолда ўриндошлик асосида умумий ўрта таълим муассасалари мусиқа фани ўқитувчиси ва мусиқа йўналишидаги тўғарақ раҳбари лавозимига тўлиқ ставкада ишга қабул қилишга рухсат бериладиган бўлди.

— Озодбек Аҳмадович, қарорда лекторий концертлар ўтказиш бўйича ҳам вазифалар белгиланган. Сизнингча, бу масала қандай ҳал этилса тўғри бўлади.

— Аввало, лекторий концертлар атамасига изоҳ бериб ўтсак. Лекторий концерт бу — ижро этиладиган асар тарихи, жанри, мазмун-моҳияти тўғрисида маълумот берадиган маъруза ва мусиқий асарнинг уйғунлашган шаклидир. Айнан лекторий концерт шаклидаги дарслар ўқувчи ва талабаларнинг мусиқий маданияти ва саводхонлигини юксалтиришга, эстетик диди, дунёқарашини кенгайтириш ва санъатга нисбатан илмий

Саводли реципиент (қабул қилувчи, томошабин)нинг эҳтиёжи санъатда профессионализм прогрессига таъсир қилади. Бу эса хоҳлайсизми-йўқми, мукамал ижод намуналарининг яратилишига олиб келади.

— Халқимизнинг санъатга меҳри ва эҳтиёжи азалдан банд. Аксарият хонандоларда ҳалигача рубоб, дутор ёки доира каби миллий чолғулар осиглиқ туришини ва оилавий йиғинларда вақти-вақти билан ижро этилишини яхши биламиз.

— Қадрият даражасига кўтарилган бу одат бежиз шаклланмаган, албатта. Негаки, дунё илм-фанига салмоқли ҳисса қўшган ажодларимиз кўпинча соҳалар қатори мусиқада ҳам илғор бўлишган. Ҳали соҳа илмига оид бирор-бир тушунча шаклланмаган вақтда фундаментал илмий-назарий рисола-лар ёзишган. Жумладан, буюк файласуф олим Абу Наср Форобий «Китоб-ул мусиқий ал-кабир» («Мусиқага оид катта китоб») асарини ёзиб, мусиқа назарияси асосларини яратишга улкан ҳисса қўшган. Форобийнинг нафақат назарий-чи, балки халқ чолғуларининг маҳоратли ижрочиси бўлганини кўпчилигимиз билмаймиз ҳам. Манбаларда қайд этилишича, Форобий най ва танбурни моҳирона чалиш билан бирга, қонун чолғусини ихтиро қилган, ўша даврларда машҳур бўлган уд

Бундай қомусий олимлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Қолаверса, Ҳасан Нойи, Қулмуҳаммад Удий, Ҳасан Болабоний, Али Хонадоний Муҳаммадий, Аҳмад Ғижжакий, Али Кўчак Танбурий каби созандалар ўз замонасида шу қадар машҳур бўлганки, уларнинг исми шарифлари ҳатто ўзлари юксак маҳорат билан чаладиган мусиқа асбоби номига қўшиб айтилган.

Қарорнинг асл моҳияти ҳақида гап кетганда ўғил-қизларимизга бирор чолғу асбобини чалишни ўргатиш, умуман, мусиқага ошно этиш борасидаги ишлар уларни маънан улғайтиришга, қалбларига эзгулик уруғлари экишга қаратилганини таъкидлаш жоиз. Ёшларнинг мусиқа ижрочилигига доир билим ҳамда салоҳиятини юксалтиришдан кўзланган бундай ислохотлар замирида эса шубҳасиз, чуқур ўйланган мақсад ётибди. Бу борада фикр юритганда ҳаёлимизда халқимиз азалдан эъзозлаб келадиган қадриятлар, орзу-умидлар жонланади. Ушбу ёруғ ниятларнинг энг қадрлиси, албатта, баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ. Инсоннинг жисмонан бақувват, ақлан етук ва маънан комилликка етишуви баркамолликдан нишонандир. Тўғри, ҳар жиҳатдан тугалликка ҳеч ким етгани йўқ. Лекин кўнгилда умид ва ишонч уйғотадигани шуки, инсон мудом мана шу саодат сари интилишда, изланиш ва



Биз маънавият ҳақида, тарбия ҳақида ва эртамиз эгаларининг камолоти ҳақида гапирдигу аммо баркамол инсонни тарбиялашнинг энг муҳим жиҳатларидан бирини батамом эсдан чиқарадиган даражага келиб қолгандик — бу қалб, кўнгил тарбиячиси бўлган мусиқчи тарбия эди.

МУНОСАБАТ

Хужжатга кўра, энди барча давлат органлари, муассаса ва корхоналар ҳар чорақда камида бир маротаба бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда касса уюшмалари маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг маданий-эстетик ҳордиқ чиқаришлари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш, концерт, цирк ва театрларга кириш учун чипта ва абонементларни харид қиладиган бўлиши.

Маданият ва санъат соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чоралари ҳам жорий этилади. Чунончи, Маданият вазирлиги томонидан «Инсон қадри учун» эзгу ғояси асосида ҳар йили театрларда сахналаштирилаётган камида 40 та янги спектаклга, композиторлар ва бастакорларга 40 та янги мусиқа асарлари, шу жумладан, опера, симфония, оратория каби мумтоз ва замонавий жанрлар, хусусан, эстрада бўйича асарлар яратишга, камида 100 та юксак бадиий савиядаги Интернет ва ижтимоий тармоқлар учун мулжалланган аудио-визуал асарлар яратишга, камида 150 та энг яхши миллий қўшиқларни караоке ёрдамида ижро қилиш учун қайта ишлашга давлат буюртмалари берилади.

«Бир ҳақиқатни ҳеч ҳақон эсимиздан чиқармаслигимиз керак, мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди...»

Ҳатто, кенг оммалашган 20 та аудиовизуал асар ижодкорлари Маданият вазирлиги ҳайъатининг қарори билан тегишлича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараварига-ча бир марталик пул мукофоти билан тақдирланиши кўрсатиб ўтилди.

Аҳоли орасида кенг оммалашган интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги» номли саҳифалар ташкил этилиб, улар орқали миллий маданиятимизни тарғиб этувчи кўплаб танловлар жорий этилади.

Ҳар йили ўқувчилар ва талабалар ўртасида «таълим муассасаси — туман (шаҳар) — вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) — республика» кесимида маданият ва санъат соҳасидаги республика кўриқ-танловлари уюштирилади.

— Маълумки, қувончли кунларимизда ҳам, изтироб чекганимизда ҳам куй-қўшиқ бизга ҳамроҳ бўлади. Халқимизда эса санъатга ошно бўлган инсондан ёмонлик чиқмайди, деган гап бор.

— Ҳақиқатан ҳам, мақомлар, дostonу лапарлар, спектакллар, музей экспонатлари, цирк томошалари ҳар биримизни олийжаноблик, меҳр-оқибат, дўстлик, аҳиллик, ватанпарварлик, мардлик ва жасорат руҳида тарбияланишимизга хизмат қилади. Шу боис, ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай халқ ўз санъатини асрайди, ардоқлайди. Уни авлодларга бус-бутун етказишга ҳаракат қилади.

Бугун дунёда маънавий таҳдидлар кучайган зиддиятли даврда болаларимизни оммавий маданиятга қарши иммунитетни шаклландириш бўлган бутун шахс, замонавий инсонлар этиб тарбиялаш учун уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, жумладан, бадиий дидини — мусиқа яратиш, ижро этиш ва тинглаш маданиятини тарбиялаш, санъат дунёсига ошно этиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб келмоқда.

Шу маънода ҳам қарорда кўрсатилган чора-тадбирлар, вазифа ва топшириқлар ижроси юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, рўёбга чиқариш ва тарбиялашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ишонч билан айта оламизки, тарихий ҳужжат ўз меваларини узоқ куттирмайди. Истеъдодли ёшларимиз орасидан моҳир созандалар, санъатшунос-олимлар етишиб чиқади. Улар эса халқимизнинг бебаҳо бойлиги бўлмиш ўлмас мусиқа асарларини — миллий маданиятимизнинг гавҳару дурдоналарини оламга кенг ёйишга, Ўзбекистон довуғини эса дунёга таратишга хизмат қиладилар.

Давлатимиз раҳбарининг «Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак, мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди...» деган сўзларининг маъносини чуқур англаган ҳолда, аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг санъатга бўлган муҳаббатини ошириш ва шу орқали бадиий диди ва тафаккурини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Кенг кўламли чора-тадбирларни ўзида мужассам этган Президент қарори эса Янги Ўзбекистоннинг маданий тарихини бойитиш, янги дунёқарашдаги замон кишисини тарбиялаш, жамиятда эзгу тамойиллар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Сўзининг якунида шуни таъкидламоқчиманки, бирлашиб, маслаҳатлашиб, олисона қарорга келингандагина ҳар қандай масалага ечим топилади. Нух кемаси ёки «Титаник» кемаси билан боғлиқ воқеаларни бир эслайлик. Яъни, биз ҳам бугун катта уммонда сузиб кетаётган бир кемадамыз. Кемани ҳар ким ҳар ёққа тортса, бу муқаррар ҳалокатга ета-клайди.

Демак, юқорида таъкидлаганимдек, бир куч бўлсак, бир мушт бўлсак, ҳар қандай муаммоларни бамаслаҳат ҳал қилсак, албатта, эзгу мақсадимизга эришамиз.



2008 йили Европада бошланиб, бутун дунёга тарқagan ва жаҳон иқтисодий инқирозга асрнинг энг буюк йўқотиши, дея таъриф берилган эди. Мана, икки йилдики, одамзот пандемия таъсиридан чиқиб, навбатдаги инқирозни енгишга уринмоқда. Аммо айрим таҳлилчилар инсониятни ўз гирдобига тортаётган маънавий таназзул инқирозлар инқирози эканини, одамлар негaдир ушбу муаммога ўта юзак муносабатда бўлаётганларини қайд этмоқдалар...

Латофат ТОЛИБЖОНОВА, мусиқашунос-файласуф, маданий антрополог



Қарорда қайд этилган яна бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратмаслик мумкин эмас. Энди миллий қолғулардан камида биттасида, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб эса камида учтасида куй ижро этиш маҳоратига эга бўлиш мусиқа фани ўқитувчилари учун мажбурий ҳисобланади. Тасаввур қилинг: узоқ йиллар мобайнида эътибордан четда қолган миллий созандалик соҳаси учун бу қанчалар муҳим жиҳат. Давраларда соз чертиш амалиёти қарийб истеъмоладан чиқиб кетган айни кунларда Давлат раҳбари томонидан айнан шу масалага урғу берилётгани бежиз эмас, албатта. Биз маънавият ҳақида, тарбия ҳақида ва эртамиз эгаларининг камолоти ҳақида гапирдигу аммо баркамол инсонни тарбиялашнинг энг муҳим жиҳатларидан бирини батамом эсдан чиқарадиган даражага келиб қолгандик — бу қалб, кўнгил тарбиячиси бўлган кўнгил тарбия эди. Ушбу қарор билан ана шу хатолар тўзатилади деган бўлди. Иккинчидан, ушбу қарор созанда-педагоглар қадрини тиклашга, уларни таълим тизимига қайтишларига имкон бераётганини таъкидлаш жоиз. Аччиқ бир ҳақиқатни тан олайлик: илгари тўйма-тўй юрган, янги ва янги миллий соз эмас, синтезатор ё гитара чалиб юришга мажбур бўлган — шу орқали рўзгор тебратган созандалар пандемия шароитида ўзларини асл ихтисосидан бўлиб қолган соҳаларга урдилар. Қарор тўғрисида халқ таълими тизимига қайтишга соҳа ривож учун жуда катта гап! Энди улар мактабларга келиб қалиб, болаларга қолғу қилиши мўъжиз бўлади. Бу энди юзлаб мутахассислар учун ҳам иш ўринлари пайдо бўлади, дегани ҳамдир.

Бугун жамият нималарга кўпроқ эътибор сезмоқда, жамиятнинг асосий кучи саналаётган ёшларчи? Агдар-тўнтар воқеалар талотўпи таъсирида оғир нафас олаётган дунёни, одамлар онги ва дунёқарашини ўзгартиришга хизмат қиладиган ахборот оқимида фарқ бўлаётган оломонни қандай қутқариш мумкин? Оломонча маданият гирдобида ўзлигини тополмай, кундан-кунга умидсизликка тушаётган ёшларни қай тахлит тўғри йўлга солиш мумкин?

Касбим тақозосига кўра ҳар кун балоғат остонасидаги йигит-қизлар билан мулоқотлар қилганимда, бу қоракўзлардан ва улардан давом этажак авлодлардан нима кутсак бўларкин, деб ўйлаб қоламан. Шу ўйларим аро: уларга етказмоқчи бўлган ахборот ва мулоҳазаларим қандай қабул қилинапти, қандай тушунишяпти, бу фикрлар улар ҳаётида бирон-бир из қолдириятмикан, дея нигоҳларидан маъно кидираман. Президентимизнинг «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан танишиб том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳужжат моҳиятини англаб, беихтиёр юқоридagi фикрлар хаёлимдан ўтди. Ушбу қарорнинг тарихийлиги шундаки, ниҳоят юртимизда чинакам муҳлис тайёрлашга Давлат миқёсида киришиш учун ҳуқуқий асос яратилгандир. Шуниси қувонарлики, бундан буён юртимизда оломонча дид билан қўшиқ яратиб, оломонча қўшиқ айтилмаслигини олди олинди. Энди ўзимиз — ҳар бир бола тимсолида мактабда кўлимизга рубоб, дутор, доира олиб чертамыз. Ич-ичимиздан яшнаб, ўзбекона куйлар чаламыз. Ўзбеклигимизни ҳис қиламыз ва ўзбеклигимиздан фахр этамыз. Куйларимизга ўйларимизни боғлаб чертамыз, ўйларимизга эса куйларимизни боғлаймыз. Бу санойи нафиса орқали гармония — мавзунлик ҳосил бўлади. Энди ука-сингилларимиз, фарзандларимиз кўлларидан рубоб, дутор, доира бўлади. Энг асосийси, бу қолғулар яқин тарихимизда бўлганидек яна уйларнинг тўрига илинади. Ота-оналар, буви-бувалар фарзандларининг чиройли

айтимлари, чертимларини эшитиб завқланадилар, ўзлари ҳам уларга қўшилиб, дилкаш давраларда ҳамнавоз бўлишса, не ажаб. Сабаб ва оқибатлар силсиласини, кўриб турганингиздек, узоқ давом эттириш мумкин... Лекин юқоридаги жумланинг ўзиёқ ушбу қарорнинг моҳияти ва кўламини англайтиб турибди.

Агар чиндан ҳам ушбу қарор болани тасаввур қилинг: руҳиятида қандай ўзгаришлар рўй беради? Шиддатли ахборот асрида қўл телефонидан қўйилиб келаётган яхши-ёмон, керак-нокерак информация ёмғири остида ўзини, ўзлигини йўқотиб бораётган ўғил-қизлар бир фурсат бўлсин, аслият оламига, одамийлик оламига ошно бўладилар. Созининг садоси билан инсон тийнатишга назар солади, ўзи билар-билмас, кўнгил пардаларини созлай бошлайди. Тик-Ток ё Инстаграмдаги аксарият бемаъни, бетавфиқ контентдан бир фурсат бўлсин, узилиб, чин олам овозини эшита бошлайди, ана шу табиий оламнинг рангини ҳис қилади, ушбу қарорнинг мусиқий қолғу билан боғлиқ биттагина банди ҳам миллат келажагида қанчалар ўзгаришлар ясаши мумкинлигини кўрсатмаяптими?

Юқорида айтганимиздек, қарорни амалга оширишда бир ёқадан бош чиқарсак, беғубор болалик-ўсмирлик даврида, эркин ижодий муҳитда — тўғарақлар, синфдош, мактабдош дўстлари билан ҳамкорлик, ижодкорлик жараёнларида, равшанки, миллий мусиқа маданиятимизда янги жанрлар, янги шакллар пайдо бўлади. Зеро, бугун биз миллий мусиқий қадриятлар дея эъзозлаётган буюк биситимиз ҳам айнан муайян ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий муҳит таъсирида барпо бўлган.

ОБУНА — 2022

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Обуна индекси: 158



Фарида БЎТАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты, шоира

Бугун ўзбек ва туркий халқларнинг улғу шоири, мутафаккири ва давлат арбоби, асли исми Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг таваллуд топан куну. Яратган Навоийга бекиёс истеъдод, иқтидор, илҳом ва қувваи ҳофизига барокот берди. У асарки, бошқа бир ҳар қандай касбни қўлидан тугганида ҳам унинг етук отаси бўлиши муқаррар эди. Бироқ, У АДАБИЁТНИ танлади! Уша даврда паст назар билан қаралиб, йўқолиб кетаётган туркий сўзларни тўплаб, 300 000 дан зиёдроқ сўзлар ичида 120 000 дан ортиқроғи иштирокида тождор асарлар яратди ва ўзбек тилининг куч-қудратини дунёга намойиш этди. Алишер Навоий 61 йилгина умр кўрди ва шу давр ичида 40 дан ортиқ йирик асарлар ёзди. Шарқда «Низоми миллати ва-д-дин», яъни дин ва миллатнинг низоми унвони билан улугланади. Шарофиддин Али Яздий назарига тушди, Мавлоно Лutfий ёш шоир истеъдодига юқори баҳо берди, Камол Турбатий эътирофини қозонди. Сайид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад каби устозлардан таълим олди. Айниқса, Абдурахмон Жомий

унинг ҳаёти, ижодида катта ўрин эгаллади, устози ва пирига айланди. 1483 йилдан Алишер Навоий ўзининг буюк «Хамса» асарини ёзишга киришди ва уни уч йилда тугаллади. Беш дostonни ўз ичига олган бу улкан бадиий қомус 50 минг мисрадан ортиқ бўлиб, Навоийнинг барча шеърий меросининг деярли ярмини ташкил қилади. Шу маънода, «Хамса» – Алишер Навоий ижодининг қалбидир. Навоий жуда катта ва бой лирик хазина яратиб қолдирди. Бу лирик хазинанинг асосий 45 минг мисрага яқини ўзбек тилидаги шеърларни ўз ичига олган «Ҳазойинул маоний» ва 12 минг мисрадан зиёд форс-тожик тилидаги шеърларни ўз ичига олган «Девони Фаний»ни яратди. Юқорида айтганимиз Аллоҳ берган истеъдод нафақат шоирлар султони, балки, давлат арбоби рутбасини ҳам берди. У Темирийлар давлатининг мустақамлигига, адолатлигига ҳисса қўшди. Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтига ўтиргач (1469), Навоий ҳаёти ва ижодида янги босқич бошланади, муҳрдорлик (1469) мансабига, вазирлик (1472) ва Астробод ҳокимлиги (1487)га тайинланади.

Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийга «Муқарраби Ҳазрати Султоний» («Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси») деган унвонни берди. Унга кўра, Навоий давлатнинг барча ишларига аралаша оларди. Эл улуснинг хурматини, меҳрини қозонди. Тарихчиларнинг ёзишича, Навоийнинг бир кунлик даромади 18 минг шоҳрухий динор миқдорига эди. Улуғ бобомиз бу даромаднинг асосий қисмини хайрли ишларга сарф қилган. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Навоий 1480-1500 йиллар мобайнида ўз маблағлари ҳисобидан бир неча мадраса, 52 рабат, 17 масжид; 10 хонақоҳ, 9 ҳаммом, 16 кўприк, 20 та ҳовуз қурдиради. Навоий турли соҳа олимларига ҳомийлик қилиб, унлаб илмий рисоалар битилишига бевоқифа сабабчи бўлган. Ҳар томонлама етукликка интилан Навоий одамийлик мақомини юксакларга олиб чиқди. Навоий кўп ёзди, ҳў ёзди, соф ёзди, сарафроз ёзди! Куйиб ёзди, куйлаб ёзди! Тингланг, Навоийнинг ўша наволари бугун ҳам ҳар бир навосоз қалбларда жарангламақда.

Юрагинга қил ҳам сиғмаса,
Меҳрсизлик дилинг тиғласа,
Бу ҳолингдан эшонинг талваса
Қилса агар Навоийга айт,
Уқи китоб Ҳазратингга қайт!

Сотиб кетса энг яқин дўстинг,
Битмас бўлса ҳеч каму кўстинг,
Дарахтмисан, қай тараф ўсдинг,
Билмоқ бўлсанг Навоийдан сўр,
Дўст топмассан, Ҳазратдан-да зўр!

Йўлиққанинг бўлса хиёнат,
Учиб кетса қўлингдан омад,
Осмон тушиб, бўлса қиёмат,
Навоийдан топсанг паноҳ,
Ҳазрат эрур ҳолингдан оғоҳ!

Бу салтанат метин кўргондир,
Унда яшар ҳар ким омондир,
У жаннатдир, Эрам бўстондир,
Навоийни айлайлик тавоф,
Ҳазрат эрур энг олий савоб!

Магар сенга илм керакдир,
Дуо керак, тилак керакдир,
Ишқ керакдир, кўнгил керакдир,
Навоийдан топарсан ўзни,
Ҳазрат айтар ул холис сўзни!

О, юракка малҳам Навоий,
Ҳар ғарибга ҳамдам Навоий,
Заррангизман мен ҳам Навоий,
Ягонамиз, сизгадир таъзим,
О, султоним, хоним, ҳазратим!



Ибрат мактаби

24 ЁШДА БОШ ПРОКУРОР ЁРДАМЧИСИ

Ўзбекистоннинг биринчи аёл ҳуқуқшуноси, 24 ёшида ЎзССРнинг бош прокурор ёрдамчиси бўлган Дилоро Юсупова ҳам қатагон таъсиридан чеккада қолмаган. ЎЗА эълон қилган мақолада тарихчи олим Баҳром Ирзаев Ўзбекистонда замонавий юридик билимларга асос солган ёшлар – Дилоро Юсупова ва унинг турмуш ўртоғи ҳуқуқшунос Муҳаммадjon Мўминов ҳақида ҳикоя қилди: Урта Осиё, XX асрнинг боши, бир замонлар жаҳон илм-фани бешиги бўлган бу улқада таълим оқсаган давр. Айниқса, бу вақтда қизларнинг замонавий билимларни эгаллаши учун ҳеч қандай муассасалар мавжуд эмасди. Мана шундай мураккаб ва муросасиз замонда Дилоро каби кўплаб ўзбек қизлари мислсиз ирода кўрсатди. Улар бир неча тилларни ўрганди. Москва, Боку, ҳатто Германиянинг Берлин, Дрезден каби йирик шаҳарларида илм олди, Ватанга қайтиб, мамлакат тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Шундай қизлардан бири Дилоро эди...



Ўзбекистондаги
биринчи аёл
ҳуқуқшуноснинг
аянчли тақдири

ТАЪҚИБ ВА ҚУВГИНДАГИ БОЛАЛИК
Ўзбекистоннинг биринчи аёл ҳуқуқшуноси, ЎзССР бош прокурори ёрдамчиси Дилоро Юсупова 1911 йил Бухоро шаҳрида дунёга келган. Унинг отаси Собиржон Юсупов «Ёш бухороликлар» ташкилотининг фаол аъзоларидан бўлиб, рус тилини билгани боис сиёсий ҳаракатларда фаол қатнашганди. Шу сабаб, Дилоронинг болалиги отасининг сиёсий қарашлари туфайли таъқиб ва қувгинларда ўтди.

Дилоро 6 ёшлигида онаси билан Бухоро амирлиги худудидан сургун этилди. Тошкентда келгач ҳам аввал чор охтанкаси таъқибда, сўнг доимий равишда ЧК айғоқчиларидан яшириниб яшашга мажбур бўлади. Дилоро онаси билан ҳали у ерни, ҳали бу ерни макон тутиб, кун кечирди.

МУРАККАБ ДАВРДА ИЛМ ЙЎЛИДА КУРАШ
Дилоро Юсупова мана шундай қийин шароитда

ёш бўлишига қарамай, илм йўлини танлади. У 11 ёшида Бухоро Халқ Жумҳурияти томонидан Москвага ўқишга юборилди. У ерда ўзининг иқтидори, билимга ташналиги билан 1924 йилдаёқ Москвадаги ўзбек талабалари орасида танилди. 1926 йил мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Ўзбекистонга қайтди.

ПРОКУРАТУРАГА ЙЎЛ
У Тошкентда комсомолнинг округ кўмитасида ишлаш баробарида Урта Осиё дав-

Бир неча кунги даҳшатли қийноқлардан сўнг Муҳаммадjon алақачон ўлимни бўйнига олган, «тирик мурда»га айлантириб ташланган эди...

лат университетининг суд бўлимига ўқишга кирди. Аспирантурага тайёрланди. Совет ҳуқуқи илмий-текшириш институтида ўқиди. Шундан сўнг битириш имтиҳонларини топширгач, йўлланма билан Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига ишга юборилди. Синов муддатидан сўнг у 1935 йил 24 ёшида Ўзбекистон Республикаси прокурори ёрдамчиси лавозимига тайинланди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЮРИДИК БИЛИМЛАРГА АСОС СОЛИНИШИ

Дилоро Юсупова Москвадаги ўқишда танишган, ЎзССР Олий суди судьяси бўлган наманганлик Муҳаммадjon Мўминов билан турмуш қурди. Муҳаммадjon Мўминов Ўзбекистонда юридик билимларнинг шаклланишига асос солган ёш ҳуқуқшунос эди. У Самарқандда Ўзбекистон Олий суди коллегияси аъзоси, 1931-1935 йилларда суд тизимидаги қатор муҳим лавозимларда фаолият олиб боради. Кейинроқ унинг ташаббуси билан шу институт базасида Ўзбекистондаги биринчи юридик институт пайдо бўлди. Унинг ғайрат-шижоати туфайли қисқа вақтда кўплаб юридик луғатлар, журналлар, китоблар чиқарилди. Айниқса, Муҳаммадjonнинг 1932 йил «На фронте теории государства и права» китоби нашрдан чиқши катта шов-шувга сабаб бўлди.

ДАҲШАТЛИ ҚИЙНОҚ, ТИРИК МУРДАГА АЙЛАНГАН ҲУҚУҚШУНОС

Ёш оила бахтдан сармаст эди. Ишдаги зиддиятлар, ҳасадгўй кимсаларнинг бўҳтонларига қарамай, улар ҳар кун янги-янги гоёлар, янги асарлар устида баҳслашарди. Уларнинг бағрида ўғли Марат ва қизи Сурайё улғаяди... Бироқ 1937 йил 29 март тунида бахтли ёш оиланинг эшигини номатълум нусхалар тақиллатди. Ордери кўрсатиб, оила аъзоларини деворга турғазиб қўйган ҳолда тонгача нималарнидир қидиришди. Эрталаба яқин барча нарсаларни хатлаб, Муҳаммадjon Мўминовни олиб кетишди. Ушанда Муҳаммадjon ЎзССР Адлия комиссарлигининг аҳолига юридик ёрдам ва суд ҳимоя бўлими бошлиғи, Дилоро Юсупова эса ЎзССР Бош прокурори ёрдамчиси эди. Бир кунда хонумонидан айрилган Дилоро аввалига ҳеч нарсани тушунмади. Бу ҳодисани дастлаб, эрининг ортидан тез-тез бўлиб турадиган тўхматлардан бирийдир, деб ўйлади. Бироқ жуда қийин жараёнлардан сўнг берилган рухсат ортидан эри билан уч-

рашгач, англадики, бу гал вазиёт жуда бошқача. Бир неча кунги даҳшатли қийноқлардан сўнг Муҳаммадjon алақачон ўлимни бўйнига олган, «тирик мурда»га айлантириб ташланган эди...

ҲАҚИҚАТ УЧУН КУРАШ

Дилоро эрининг айбсизлигини исботлаш учун барча чораларни қўлади. Москвага НКВДнинг амалга ошираётган бедодликлари ҳақида махсус хат йўллади. Зудлик билан махфий тарзда эрининг собиқ дўсти Давлат Ризаев билан учрашди. Унга эри Муҳаммадjon Мўминовга нисбатан амалга оширилаётган ноҳақликлар ҳақида айтиб, юқори ташкилотларни бундан хабардор қилишини сўради. Афсуски, бу вақтга келиб, на Москвадан, на маҳаллий ҳукуматдан ҳеч қандай умид қолмаган эди...

«ХАЛҚ ДУШМАНИ»НИНГ ХОТИНИ

Муҳаммадjon Мўминовга «халқ душмани» деган айбловни қўйишди. Дилоро эса «эрининг аксилинқилобий фаолиятини яширган» деб хибсга олинди. Уларнинг 6 ёшли ўғли Марат ҳамда 4 ёшли қизи Сурайё «Болалар уйи»га юборилди. Муттасил жисмоний қийноқ ва шифокорлар таҳқирлар остида ўтказилган сўроқларда Дилоро эрининг ҳам, ўзининг ҳам айби йўқлигини исботлади. Бироқ 1938 йилнинг 4 октябрида Муҳаммадjon Мўминов «Москвада бўлган намойиш раҳбарларидан бири» деган бўҳтон билан отиб ташланади. Кейинчалик тергов вақтида қўлланган қийноқ ва сўроқлар ҳақида ҳеч қачон гапирмаслик шarti билан Дилорони озод этишди. У қамқондан қайтгач, фарзандларини болалар уйдан олди. Оддий ишларда ишлади ва умрини фарзандларининг тарбиясига бағишлади.

КУРАШЛАРДА СИНМАГАН ОНА

Сталин вафотидан сўнг бошланган «илиқлик даври»нинг илк кунларидан Дилоро Юсупова турмуш ўртоғи Муҳаммадjon Мўминовнинг шаъни учун курашди, унинг ишини қайта куришларини талаб қилди. Дилоронинг эрини оқлаш йўлидаги муросасиз кураши бесамар кетмади ва ниҳоят, 1957 йилда Муҳаммадjon Мўминов расман оқланди. Дилоронинг тарбияси билан ўғли Марат Мўминов математика фанлари доктори, профессор бўлиб, кўп йиллар мамлакатимиз илм-фани тараққиёти йўлида залворли ишларни амалга оширди. Қизи Сурайё Мўминова эса Москва медицина институтида ўқиб илм олди. Вафодор аёл, ҳуқуқшунос, матонатли она бўлган Дилоро Юсупованин ҳаёти кўп йиллар келажак авлод учун ибрат мактаби бўлиб қолади.



ЗАХИРИДДИН
МУХАММАД БОБУР

Топмадим

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнгалумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Жонимдин ўзга жонни дилафкор кўрмадим,
Кўнгалум киби кўнгулни гирифтдор топмадим.

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна хушёр топмадим.

Ночор фурқати била хўй этмишам, нетай,
Чун васлига ўзумни сазовор топмадим.

Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.

Бу замонни нафъи қилсам айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ.

Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнгалума,
Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ёмонлиғ асру кўп,
Энди кўз тутмоқ не яъни ҳар ёмондин яхшилиғ.

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?!
Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси қолдиму?!

Мени хор этти-ю қилди муддаини парварииш,
Даҳри дунпарварнинг ўзга муддаоси қолдиму?!

Мени ўлтурду жафои жавер бирла ул қуёш,
Энди тургузмак учун меҳру вафоси қолдиму?!

Ошиқ ўлғоқ кўрдим ўлимни ўзимга, эй рафиқ,
Ўзга кўнглимнинг бу оламда ҳароси қолдиму?!

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,
Тенгри учун де бу оламнинг сафоси қолдиму?!

Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,
Келсун, агар юзумни эвурсам, бало манга.

Неткаймен, ул рафиқ билаким, қилур баса
Меҳру вафо рақибага жавру жафо манга.

Бегона бўлса ақл мени телбадин, не тонг,
Чун бўлди ул парий сифатим ошно манга.

Оху ёшимдин ортадурур заъф, эй табиб,
Билдим ярашмас энди бу обу ҳаво манга.

Дардим кўруб муъолажада зойиғ этма упр
Ким, жонда дарди ишқурур бедаво манга.

То ёр кимни истару кўнглина ким ёқар,
Ташвиши бежиҳатдурур охир санга, манга.

Бобур бўлбутурур ики кўзум йўлида тўрт,
Келса не бўлди қошима бир-бир манга-манга.

Ҳар кимки вафо қилса вафо топгусидур,
Ҳар кимки жафо қилса жафо топгусидур,
Яхши киши ёмонлиғ кўрмадай ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топгусидур!

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Ҳар неники севмак андин ортиқ бўлмаз,
Андин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Тадқиқот

194 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК РАКЕТА



АҚШнинг коинот кенгликларини тадқиқ қилиш ва аэронавтика бўйича миллий бошқармаси (НАСА) Марс сайёрасидан намуна олиб келадиган ракета ишлаб чиқариш учун Lockheed Martin авиасозлик корпорацияси билан 194 миллион долларга шартнома имзолади. Ушбу аппарат Mars Ascent Vehicle (MAV) деб номланади. У Марс тупроғидан ва ҳавосидан намуна олиб, Ерга қайтиши лозим. MAV бошқа сайёрага учуриладиган биринчи

ракета бўлади, у шунингдек, NASA Perseverance марсоходи тўплаган намуналардан олиб Ерга келтириш кампаниясининг муҳим қисми ҳисобланади. Шартномани амалга ошириш олти йилга мўлжалланган.

Қизил сайёрадан тупроқ намуналарини Ерга етказиш 2030 йилларга белгиланган. Келтирилган намуналар таҳлили «Марсда ҳаёт бўлганми», деган саволга жавоб бериши мумкин, дейилади хабарда.

Ҳикмат

Худодан бойлик сўрадим. У менга Исломни берди.

Муҳаммад Али



Статистика

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
8516
нафар чақалоқ дунёга келди

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь ойида республика бўйича 69 минг 198 та туғилиш ҳолати қайд этилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 6918 тага кўп.

Худудлар кесимида туғилишлар сони:
Қорақалпоғистон Республикаси – 3408 та

- Андижон вилояти – 6249,
- Бухоро вилояти – 3493,
- Жиззах вилояти – 3198,
- Қашқадарё вилояти – 7417,
- Навоий вилояти – 1934,
- Наманган вилояти – 6046,
- Самарқанд вилояти – 8516,
- Сурхондарё вилояти – 6060,
- Сирдарё вилояти – 1915,
- Тошкент вилояти – 4184,
- Фарғона вилояти – 7528,
- Хоразм вилояти – 3386,
- Тошкент шаҳри – 5864 нафар.

Келинг, бир қулишайлик!

Хотин эрига нолиб қолибди:
– Мана бу аёлга ҳавасим келади. Ҳар куни эри ишга кетишидан олдин пешонасидан ўпиб кўяркан. Сиз ҳам шундай қилсангиз бўлмайдими?
– Жиннимисан хотин. Эри кўриб қолсачи?

ЭЛДОР ШОМУРОВОВ

МУТЛАҚ ЕТАКЧИ

Transfermarkt портали Ўзбекистон футболнинг энг қиммат легионерларини эълон қилди. Табиийки, хорижда тўп сураётган вакилларимиз орасида Европанинг кучли 5 та лигасидаги ягона вакилимиз Элдор Шомуродов мутлақ етакчи. Германия портали 2021 йил якуни бўйича «Рома» ҳужумчиси трансферини 12 миллион еврога баҳолади.

1. 12 миллион евро – бу 26 ёшли Элдор Шомуродов учун чўққи ҳам, чегара ҳам эмас. Ҳар ҳолда, «Рома» таркибида Шома кўпроқ ўйин амалиётини таъминлай олса, ўз баҳосини ошириш имкониятига эга.

2. Анчадан буён БААда ризқ тараётган Отабек Шукuroв бир қарашда, «Ал-Шаржа»да кўпроқ ушланиб қолди. Қанийди, 25 ёшли ярим ҳимоячи ҳам еврофутболга юзланса. Акс ҳолда, унинг трансфер баҳоси 3,5 миллион евродан ошиши қийин-ов...

3. Ишонамизки, Жалолiddин Машарипов Саудия Арабистони ва «Ал-Наср»даги фаолият билан чекланиб қолмайди. Яна 3 миллион еврога тенг баҳо билан ҳам.

4. 23 ёшли Азиз Ғаниев («Шабаб Ал-Аҳли») ҳар томонлама ўсиш имкониятига эга. Фақат энди жароҳатларни четлаб ўтса, бас. Унинг нархи ҳозирча 2 миллион евро.

5. Игорь Сергеев (1,7 миллион евро) ўтган мавсум ўзини бир мунча унглаб олди. Энди «Тобол»да барқарор гол уришда давом этса бас.

6. Жафокаш Остон Уруновга нимадир етишмаётгани аниқ. Ажабмас, «Уфа» вакили янги мавсумда аслида кўп нарсага қодирлигини намойиш этиб, 1 миллион евро маррасидан ошса.

Кучли 10 таликка кирган қолган футболчиларимизнинг трансфер баҳоси 1 миллион евродан кам. Улар орасида яна араб футболга кетган Достон Ҳамдамов ва яқинда «шерлар» билан шартнома тузган Сардор Рашидов ҳам бор.



ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,

- Акmal САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ,
- Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Акmal ЖУМАБОВ, Баҳодир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ,
- Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирола ДАДАЖОНОВА, Минҳожиддин МИРЗО,
- Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одижон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОВЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУХАММАДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУХАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Максуд Шайхзода кўчаси, 1 А-уй. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Тахририятта келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар:
Дониёр ТОШБОВЕВ,
Равшан МАХМУДОВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Мамъуржон ҚУДРАТОВ,
Лазиз МЕЙЛИКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-маъбаа акциядорлик компаниясида chop этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Газета ҳафтанинг chorshanba куни чиқади.

Адади – 10 017.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табок
Буюртма – 216
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 3:10

Электрон почта:

mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ISSN 2010-7714